

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИҚОВА РУХСОРА САНЖАРОВНА

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЛАСТЕР
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on economic sciences**

Холиқова Рухсора Санжаровна

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини кластер асосида ривожлантиришнинг
ташкилий-иқтисодий механизмлари.....3

Халикова Рухсора Санжаровна

Организационно-экономические механизмы развития хлопково-текстильного
производства на основе кластера.....27

Kholikova Rukhsora Sanjarovna

Organizational and economic mechanisms of development of cotton-textile
production on the basis of cluster.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИҚОВА РУХСОРА САНЖАРОВНА

**ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЛАСТЕР
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iq(887) рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Қосимов Садакмал Садахронович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| Расмий оponentлар: | Турсунходжаев Марат Луғфуллаевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тилляходжаев Музаффарходжа Абдунатахович иқтисодиёт фанлари доктори |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент тўқимачилик ва енгел саноат институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 15/31.12.2020.1.09.04 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «15» феврал соат 09:02 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Адилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел/факс.: (99871) 293-57-54, e-mail: rector@tashiit.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (04:02 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Адилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел/факс.: (99871) 293-57-54)

Диссертация автореферати 2022 йил «17» феврал куни тарқатилди.
(2022 йил «17» феврал даги 02- рақамли респ. баённомаси).



О.К. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
и.ф.д.

М.Н. Акбаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби и.ф.д., доцент.

А.А. Гуламов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунга келиб, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, деярли барча мамлакатлар иқтисодиётининг кўпгина тармоқларида саноат кластерлари, хусусан, пахта-тўқимачилик кластерлари самарали фаолият юритиб келмоқда. «Кластерлар саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда бугунги кунда табиий босқичга айланган. 2020 йил ҳолатига кўра Ғарбий ва Шарқий Европанинг 28 мамлакатада иқтисодиётнинг турли тармоқларида 2150 та саноат кластери мавжуд бўлиб, улардан 420 та кластер тўқимачилик саноатида фаолият юритади»¹. Глобаллашув шароитида рақобатнинг кескин даражада кучайиб бораётгани ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг муттасил ошириб бориш зарурати сабабли бугунги кунда жаҳонда, айниқса табиий хомашёга асосланган соҳалар, жумладан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини кластер асосида ривожлантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларда кластерлар фаолиятини ташкил этиш, самарадорлигини ошириш, иқтисодий муносабатларнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш керакки, бу борадаги устувор йўналишлардан бири сифатида пахта-тўқимачилик саноати самарадорлигини ошириш, соҳани ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини илмий асослаш, кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишда улар ҳамкорлик қилувчи бошқа хўжалик субъектлари билан кластерлар фаолиятини уйғун ташкил этишга қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавий талаблар асосида ривожлантиришда улар фаолиятини кластер шаклида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Охирги йилларда яратилган имкониятлар туфайли янги корхоналар пайдо бўляпти, тадбиркорлар эмин-эркин ривожланишга, қайта ишлаш даражаси ошяпти. Кластерлар тузиб, пахтани эгали қилганимиз учун унинг сифати ҳам ўзгараёпти. Пахта сифатли бўлса, тадбиркорга осон бўлади, маҳсулоти сифатли, рақобатбардош бўлади... кластерлар биз учун нисбатан янги амалиёт эканлигини ҳисобга олиб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибларини, шу жумладан харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш тартибини кўриб чиқиш ҳамда кредитлаш тизимини соддалаштириш лозим»².

Бу борада пахта-тўқимачилик кластери фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, кластерлар фаолиятини кредитлаш самарадорлигини ошириш, фаолият самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил қилиш ва молиявий барқарорликни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш омилларидан

¹ Европа Кластер обсерваторияси маълумотлари: <http://www.clusterobservatory.eu>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралдаги Наманган вилоятидаги “Чуст Текстиль” кластерига ташрифи чоғидаги нутқи. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати: <http://www.press-service.uz>

самарали фойдаланиш негизида кластерлар фаолиятини прогнозлашга ёндашувларни такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахта саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «Тўқимачилик ва кийим-кечак ва трикотаж саноатини янада ривожлантириш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПҚ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 10 ноябрдаги ПҚ-2-сон (Расмий манбаларда қарорнинг рақами шу шаклда берилган) «Пахта хом ашёси етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 31 мартдаги 253-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 19 сентябр 744-сон «Пахта ва тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2020 йил 22 июндаги 397-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2021 йил 4 декабрдаги 733-сонли «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишининг «иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг янги механизмларини тадқиқ этиш» бўлимига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат кластерлари шаклланиши ва фаолият юритиш муаммолари, шунингдек, корхоналарнинг рақобатбардошлигини бошқаришда кластер усулини жорий этиш масалалари хорижлик иқтисодчи олимларнинг ишларида тадқиқ этилган, жумладан А.Маршалл, М.Портер, А.Вебер, С.Розенфельд, П.Кругман, Д.Солье, Е.Даҳмен сингари дунёнинг етакчи олимлари бу борада илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари тадқиқотчиларидан А.Н.Олейник, Н.В.Смородинская, Д.Д.Катуков, Е.Г.Карпова, И.Н.Колосовский, Е.В.Иванов, А.А.Настин, Ю.А.Шаститко, И.А.Яременко ва бошқалар³ мазкур масалаларни

³ Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993г. 594 стр., М.Е. Porter. The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 1990г. 495стр., S.A. Rosenfeld,

ўрганиб чиққанлар.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик саноатида кластер ёндашувини татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар М.А.Рахматов, Н.М.Махмудов, М.Л.Турсунходжаев, С.М.Касимов, А.Ш.Бекмурадов, Д.К.Ахмедов, Ш.И.Мустафакулов, М.А.Тилляходжаев, Д.Курбанова, Д.Мирзахалилова, Г.Э.Захидов, Р.А.Гуляев⁴ ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Иқтисодий кластерларнинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган кенг иқтисодий адабиётлар, манбалар ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни борлигига қарамай, қатор муаммолар ҳали ҳам кейинги тадқиқотларга эҳтиёж сезмоқда. Унинг категориал тушунчаларини талқин қилишда турли фикр ва таърифлар мавжуд.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунга келиб, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни шакллантириш ва саноат самарадорлигини оширишда тўқимачилик кластерларининг жиҳатлари атрофлича ўрганилмаган, Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича алоҳида диссертация тадқиқоти олиб борилмаган. Буларнинг барчаси ушбу муаммонинг долзарблигидан далолат беради ва унинг ечими ишлаб чиқилишини талаб этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928153-сонли «Корхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини кластер асосида ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Bringing business clusters into the mainstream of economic development//European planning studies. -1997-№5-Р.3-23., Дахмен Е. Предпринимательская деятельность и развитие шведской индустрии. – Стокгольм, 1950., Смородинская Н.В., Малыгин В.Е., Катуков Д.Д. Как укрепить конкурентоспособность в условиях глобальных вызовов: кластерный подход. – Москва: Институт экономики, 2015г. 10 стр., Карпова Е.Г. Сущность и структура экономического кластера. Научно-технические ведомости СПбГПУ2,2011, Экономические науки. 62 стр., Иванова Е.В. О факторах эффективности кластеризации экономики региона. // Экономические науки. 2012. № 9. С. 101-104.

⁴ Рахматов М.А. Совершенствование формирования и распределения прибыли в хозяйствах АПК: автореферат дис.канд. экон. наук: 08.00.01 / Ленингр. фин.-экон. ин-т им. Н.А. Вознесенского. – Ленинград, 1989. - 18 с., Турсунходжаев М.Л. Совершенствование материального стимулирования в хлопчатобумажной промышленности. – Ташкент, 1967., Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопково-перерабатывающих отраслей. Монография. – Т.: Фан, 1994г, 184 с , Бекмурадов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. – Т., 2006. – 247 с., Курбанова Д.М. Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане. // «Рынок, деньги и кредит». - 2011 - №1. – С. 43.; Мирзахалилова Д.М. Повышение конкурентоспособности промышленности Узбекистана на основе кластеризации (на примере текстильной промышленности). Дисс. на соиск. канд. экон. Наук, Г.Э. Захидов. Эффективность кластерной организации и управления в легкой промышленности Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2017, Гуляев Р.А., Лугачев А.Е., Усманов Х.С. Современное состояние производства, переработки, потребления и качества хлопковой продукции в ведущих хлопкосеющих странах мира. – Ташкент: «Paxtasanoat ilmiy markazi» AJ, 2017, с.171

кластерлар назариясининг илмий асосларини ўрганиш, уларнинг моҳиятини ёритиб бериш, пахта саноатида кластер тизимини қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, ривожланиш йўлидаги қонунчиликка оид тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий давлатларда пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича тажрибалар ва Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш имкониятини ўрганиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятининг индикатив кўрсаткичлари тизими ва уларни баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерларининг иқтисодий-ташкилий фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти давомида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида анализ ва синтез, тизимлаштириш, SWOT таҳлили, статистик, корреляцион ва SEM-path регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластери атамаси бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида чуқур қайта ишлаш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси эканлиги ҳамда пахта-тўқимачилик кластери фаолиятига оид тартиб-қоида ва нормалар соҳага оид хусусиятларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

пахта-тўқимачилик кластерларини кредитлаш самарадорлигини оширишда кредит муддатини бир йилдан икки йилга ошириш ҳамда фоиз ставкасини олти фоизга камайтиришнинг (16 %дан 10 %га) иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиёти ташқи иқтисодий фаолиятга оид кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда юз балли шкала бўйича такомиллаштирилган;

ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи кучи натижадорлигини ошириш негизида «Bukhara Cotton Textile Cluster» масъулияти чекланган жамиятни 2022-2024 йилларда ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластерлари шаклланиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган;

кластерлар шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти ёритиб берилиб, республикадаги

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳоловчи мезон ишлаб чиқилган; ривожланган хорижий давлатларда пахта-тўқимачилик кластерларини кредитлашнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича тажрибалар таҳлил қилинган ҳолда уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича тавсиялар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги статистик маълумотлар манбалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий маълумотлари ҳамда алоҳида меъёрий ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, фойдаланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келгусида тўқимачилик корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тадқиқ этиш, иқтисодий ривожланишнинг илмий-услубий асосларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошқарув органлари, хокимликлар, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан агросаноат, пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантириш бўйича дастурлар ва мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда соҳага оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Пахта-тўқимачилик кластерининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта-тўқимачилик кластери атамаси бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида чуқур қайта ишлаш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси эканлиги ҳамда пахта-тўқимачилик кластери фаолиятига оид тартиб-қоидаларни соҳага оид ишлаб чиқариш қувватлари ва зарур бўладиган активларни киритишни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифдан «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2021 йил 27 майдаги 01/22-111-сон, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 02/034-1450-сон, «Textile Technologies Group» МЧЖ нинг 2020 йил 2 октябрдаги 03/1645-1450-сон маълумотномалари). Натижада пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида юзага келувчи иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар такомиллаштирилган ҳолда улар фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконияти кенгайтирилган;

пахта-тўқимачилик кластерларини кредитлаш самарадорлигини оширишда кредит муддатини ошириш ва фоиз ставкасини олти фоизга камайтириш бўйича таклиф Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси томонидан қабул қилиниб, «Boyoovut Techno Cluster» ва «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари

уюшмасининг 2021 йил 27 майдаги 01/22-111-сон, «Boyovut Techno Cluster» МЧЖнинг 2020 йил 20 ноябрдаги 02-22/1717-2130-сон, «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖнинг 2021 йил 20 февралдаги 01-89/2240-189-сон маълумотномалари). Таклифлардан фойдаланиш натижасида мазкур пахта-тўқимачилик кластерларида 2020 йилда фойда 2019 йилга нисбатан мос равишда 2,3 %, ва 3.1 % га ошишига, кредит фоизини пасайтириш ҳисобига тежалган маблағларни инфратузилма иншоотларини таъмирлашга йўналтириш имконияти яратилган;

пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини ташқи иқтисодий фаолият ва молиявий барқарорлик ёндашувига кўра юз балли шкала асосида такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси томонидан кластерлар фаолиятини мониторинг қилиш жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2021 йил 27 майдаги 01/22-111-сон маълумотномаси). Ушбу ёндашувВВ ан фойдаланиш натижасида юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга 28 та пахта-тўқимачилик кластери аниқланиб, барча кластерлар фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқишга услубий асос яратилган;

ишлаб чиқаришда банд бўлган ишлаб чиқариш омилларининг натижадорлигини ошириш негизида ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ фаолияти мисолида аниқланган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2021 йил 27 майдаги 01/22-111-сон, «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ 2021 йил 20 февралдаги 01-89/2240-189-сон маълумотномалари). Мазкур таклифлар натижасида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичларини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза сифатида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижаларига бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 14 та, хусусан, республика бўйича 4 та, хорижий журналларда 9 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва тадқиқотда қўлланилган усуллар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


«Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини кластер асосида ташкил этишнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида кластер ёндашувининг моҳияти ва мазмуни, пахта-тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил қилишнинг асосий тамойил ва омиллари ўрганилган, Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда кластер усулидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси кўриб чиқилган.

Бугунги кунга қадар иқтисодиётни, шу жумладан ишлаб чиқаришни кластерлаштириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этган иқтисодчи олимларнинг «кластер» атамасининг турли фикр ва таърифлари мавжуд. Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида муаллиф томонидан «кластер», «иқтисодиётнинг кластерлашуви», «саноат кластери» тушунчаларининг моҳияти ёритиб берилди.

«Кластер» атамасига берилган турли таърифларга асосланиб, муаллиф: «Кластер бир умумий мақсад, яъни энг рақобатбардош ва юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш мақсади остида бирлашган ўзаро боғлиқ фирмалар, компаниялар, молия институтлари, тадқиқот институтлари ва бошқа бозор субъектларидан иборат яхлит тармоқ» деган хулосага келди. Шу билан бирга, муаллифнинг фикрича, кластерда гуруҳнинг умумий мақсади билан бир қаторда ҳар бир иштирокчининг ўз индивидуал манфаат ва хоҳиш-истаклари мавжуд.

Шу ўринда савол пайдо бўлади: пахта-тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни ташкил этишда кластер усулини қўллаш самара берадими?

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳам мазкур саволга жавоб топишдан иборат. Шу билан бирга, диссертацияни ёзиш жараёнида тадқиқот гипотезасини асослаш учун турли тадқиқот усулларидан фойдаланилди (1-расм).



1-расм. Диссертация тадқиқотининг асосий гипотезалари⁵

Таъкидлаш жоизки, пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантириш давлат томонидан саъй-ҳаракатларни талаб этади. Бу борада чора-тадбирлар кўрилиб,

⁵ Тадқиқот гипотезаларини тадқиқ этиш асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилди.

пахта-тўқимачилик кластерларининг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда кластерлар шаклланиш босқичида экан, давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши пахта-тўқимачилик кластерларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш жараёнини жадаллаштиради.

Кластернинг санаб ўтилган афзалликлари билан бир қаторда, баъзи камчиликлари ҳам қайд этиш жоиз. Муаллиф пахта саноатини кластерлаштиришнинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлар ва хавф-хатарларини SWOT-таҳлил қилиб ўтган (1-жадвал).

1-жадвал

Пахта-тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг SWOT-таҳлили⁶

| S (Кучли томонлари) | W (Кучсиз томонлари) |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▪ Рақобатбардошлик. Кластер – мамлакат ичида ҳам, халқаро бозорда ҳам рақобатбардошликни ошириш шаклидир. ▪ Интеграция. Пахта-тўқимачилик кластерини шакллантириш фан, бизнес ва ҳукумат ўртасида ўзаро яқин алоқаларнинг вужудга келишига олиб келади. ▪ Ҳамкорлик. Тармоқлар ўртасидаги горизонтал ўзаро алоқалар иштирокчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлиши мумкин ▪ Ишлаб чиқариш харажатларини минималлашуви. Бир ҳудуддаги корхоналарни маҳаллийлаштириш натижасида ушбу корхоналарнинг орасидаги масофа камади. Бу, эса, транспорт ва бошқа харажатларини камайтиради. | <ul style="list-style-type: none"> ▪ Абсорбция. Кластерларнинг ривожланиши кучсизроқ субъектларининг кучли субъектлар томонидан ўзлаштирилиши сифатида намоён бўлади ▪ Изоляция. Кластер алоҳида бизнес субъектларининг ривожланишини чеклаши мумкин, бошқача айтганда, баъзи компаниялар яқка ҳолда фаолият юритиши кластерларга бирлашишдан кўра манфаатли бўлиши мумкин; ▪ Ортиқча ишонч ҳисси ўтмишдаги муваффақиятларга ўрганиб қолган кластер ўзгарувчан тенденцияларни тан олмаслиги мумкин. ▪ Тўқимачилик корхоналари, фирмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг монопаллашуви. Бугунги кунда битта туманда бир дона кластер фаолият кўрсатмоқда, фермерларда танлов ҳуқуқи йўқлиги туфайли монопаллашув жараёни юзага келиши мумкин. |
| (Имкониятлар) | T (Хавф-хатарлар) |
| <ul style="list-style-type: none"> ▪ Кластерга аъзо фирмаларнинг инновацион фаоллиги ошади; ▪ Инвесторларни жалб қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш имконияти пайдо бўлади; ▪ Аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади; ▪ Пахта-тўқимачилик саноатида маҳсулотларнинг юқори қўшимча қийматини шакллантирилади; ▪ Пахта-тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ошади. | <ul style="list-style-type: none"> ▪ Манфаатлар тўқнашуви. Фермерлар ва кластерлар ўртасида, кластерлар ва ҳокимликлар ўртасида тушунмовчиликлар вужудга келиши мумкин. ▪ Зиддият. Кластер фаолиятини амалга ошириш алоҳида алоқадор тармоқлар ва бўлимлар ўртасида зиддиятга олиб келиши мумкин. ▪ Кластерни бошқаришда қийинчиликлар. Кластер-кўп поғонали тизим бўлиб, бу борада ташкилот ва бошқарув жараёнида вақтни йўқотиш, тесқари алоқанинг йўқлиги каби тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. |

Кластерларнинг мавжуд камчиликлари ва заифликларига қарамасдан, саноат кластери иқтисодий тизимлардаги сифат ўзгаришлари учун мақбул бозор

⁶ Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари асосида тизимлаштирилди.

механизми бўлиб, пахта-тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувига ёрдам беради, саноатни юқори суръатларда ўсишини таъминлайди, корхоналарда инновацион жараёнларни тезлаштиради, соғлом рақобатни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади ва натижада мамлакатнинг стратегик ривожланишини мустаҳкамлайди.

Диссертациянинг «**Пахта-тўқимачилик кластерлари ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва таҳлили**» номли иккинчи бобда республика пахта мажмуасида пахта толасини ишлаб чиқариш статистикаси келтирилган. Кўп босқичли эконометрик таҳлил асосида пахта-тўқимачилик кластерларининг иқтисодий фаолиятига ташкилий-иқтисодий омилларининг таъсири таҳлил қилинди ва ишлаб чиқариш жараёни «Bukhara Cotton Textile Cluster» пахта-тўқимачилик кластери мисолида моделлаштирилди.

Қайд этиш жоиз, даставвал 2018 йилда республиканинг 20 та туманида 160 минг гектар майдонда фермер хўжаликлари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш учун пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ушбу шакли экспериментал равишда жорий этилган эди. Унинг моҳияти маҳаллий тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини бевосита фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан харид қилиб олиш имкониятини яратишдан иборат эди.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотларига кўра, 2021 йил декабр ҳолатига кўра республикада 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда. Кластерлар ихтиёрида бўлган ерларнинг умумий майдони 1 млн. гектарни ташкил этади, яъни республика пахта майдонлари умумий майдонининг 96% ига тенг. Бу эса, ўз навбатида, пахтачилик саноатининг кластерлар томонидан қамраб олинаётганини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерларининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси, йил охирига нисбатан⁶

| № | Кўрсаткичлар | Ў/б | 2017 г. | 2018 г. | 2019 г. | 2020 г. | 2021 г. |
|----|--|------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Республикадаги кластерларнинг умумий сони | - | - | 15 | 75 | 96 | 122 |
| 2. | Тўлиқ ишлаб чиқариш циклини қамраб олган кластерлар сони | - | - | 3 | 25 | 45 | 62 |
| 3. | Ҳосилдорлик | ц/га | 23,3 | 25,9 | 26,87 | 28,99 | 33,2 |
| 4. | Кластерлар ихтиёридаги майдон, га | га | - | - | 707 140 | 907 783 | 1 млн. |
| 5. | Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган кластерлар сони | - | - | 3 | 26 | 45 | 50 |
| 6. | Пахта толасини қайта ишлаш | % | 61% | 60% | 80% | 95% | 100% |
| 7. | Ички бозорда 1 кг пахта толасининг нархи | долл | 0,8 | 1,2 | 1,4 | 1,8 | 2,4 |

⁶ Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилди.

Тадқиқотларга кўра, кластер усулини жорий этиш хусусий секторни ривожлантириш, давлат буюртмаси тизимини бартараф этиш учун хизмат қилади. Дарҳақиқат, бугунги кунда кластерлар мустақил равишда зарур маҳсулотлар ҳажмини белгиламоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида кластер ёндашуви жорий этилиши билан ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,9 центнерга кўп ошгани, қўшимча 428 минг тонна пахта ҳосили йиғиб олинганини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, ҳали ҳамон ҳал этилмаётган ва соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. 2020 йилда пахта толасини ишлаб чиқариш қиймати 4900 сўм/кг, ўртача давлат харид нархи 4460 сўм / кг ва ўртача рентабеллик 3 фоизни ташкил этди. Қозоғистонда бу кўрсаткич ўртача 20 фоизга тенг бўлган бўлса, бошқа ривожланган мамлакатларда эса 30 фоизга етади. Афсуски, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда пахта етиштириш кўшни давлатларга нисбатан ҳали ҳам рентабеллиги паст соҳалардан бири ҳисобланади⁷.

Илмий тадқиқот объекти сифатида республикамизнинг турли ҳудудларидан 4 та пахта-тўқимачилик кластери ва уларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичлари танлаб олинди (3-жадвал). Таъкидлаш жоизки, танлаб олинган кластерлар республиканинг энг етакчи кластерлари бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти 2018 йилда ташкил этилган.

«Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ (Бухоро вилояти);

«Boyoovut Techno Cluster» МЧЖ (Сирдарё вилояти);

«Textile Technologies Group» МЧЖ ХК (Тошкент ва Сирдарё вилоятлари);

«Ехро kollor prin teks» МЧЖ (Фарғона вилояти);

Мавжуд ҳолатни баҳолаш мақсадида тўртта пахта-тўқимачилик кластерида ишлаб чиқариш 2020 йилги фаолиятининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар танлаб олинди:

- қишлоқ хўжалигига оид кўрсаткичлар;
- умумишлаб чиқариш кўрсаткичлари;
- молиявий кўрсаткичлар;
- тижорат кўрсаткичлари;
- кластердаги ишчи кучи ҳақида маълумот.

⁷ Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятининг кўрсаткичлари, 2020 йил⁷

| Кўрсаткичлар | Ў/б | “Bukhara Cotton Textile Cluster” МЧЖ | “Boyovut Techno Cluster” МЧЖ | “Textile Technologies Group” МЧЖ | “Expo kollar prin teks” МЧЖ |
|--|-------|---|--|--|--|
| Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари: | | | | | |
| Кластерни ташкил этиш / бошқариш шакли | - | Етиштиришдан якуний маҳсулот ишлаб чиқаришгача яхлит бошқарув шакли | Фермер хўжаликлари билан шартнома асосида | Фермер хўжаликлари билан шартнома асосида | Фермер хўжаликлари билан шартнома асосида |
| Кластер ихтиёридаги умумий майдон | га | 8000 | 10 500 | 6500 | 5120 |
| Пахта ҳосили миқдори | т. | 25 500 | 31 286 | 20 000 | 13 800 |
| Ҳосилдорлик | ц/га | 31.8 | 29.8 | 29 | 27 |
| Кластер қишлоқ хўжалиги машиналари МТП умумий сони | дона | 220 | 140 | 100 | 76 |
| Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари: | | | | | |
| Кластердаги пахта тозаловчи корхоналар сони | дона | 1 | 1 | 2 | 1 |
| Ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ҳажми | т. | 9100 | 10 200 | 6700 | 3600 |
| Тола чиқиши | % | 34,9 | 33,2 | 33,1 | 32,9 |
| Якуний маҳсулот | - | Тайёр кийим | Ип-калава | Ип, мато | Ип, мато |
| Йиллик ишлаб чиқариш куввати | - | 8500 т. калава, 15 млн. т. полотно, 12,5 млн шт джинсовых изделий | 9 100 т калава | 5000-5500 т калава, 80-100 т мато | 3,2 тыс. т. пряжи, 5,0 млн кв.м. нотўқима мато |
| Асосий воситалар қиймати | долл. | 36,5 млн. | 14,0 млн. | 11,3 млн. | 1,3 млн. |
| Тижорат кўрсаткичлари: | | | | | |
| Йиллик ялпи тушум | долл. | 318,4 млн. | 29,3 млн. | 20,6 млн. | 9,5 млн. |
| Экспорт ҳажми | долл. | 208 млн. | 24,6 млн. | 14,7 млн. | 8,1 млн. |
| Импорт қилувчи давлатлар | долл. | Европа мамлакатлари, АҚШ, Туркия, Belarus, Россия, Таиланд, Япония, Ҳиндистон, Покистон, МДХ давлатлари | Италия, Туркия, Хитой, Корея, Ҳиндистон Покистон | Германия, Эрон, Туркия, Россия, МДХ давлатлари, Хитой, Корея | Туркия, Россия, Хитой |
| Молиявий кўрсаткичлар: | | | | | |
| Жалб қилинган инвестициялар ҳажми, шу жумладан: | долл. | 105 млн. | 30 млн. | 11 млн. | 1.5 млн. |
| Хусусий капитал | долл. | 65 млн. | 25,3 млн. | 9 млн. | 950 тыс. |
| Банк кредити | долл. | 20 млн. | 4,7 млн. | 2 млн. | 500 тыс. |
| Рентабеллик даражаси | % | 16 | 10 | 7,1 | 8,8 |
| Меҳнат ресурслари | | | | | |
| Меҳнат ресурсларининг умумий сони, шу | киши | 4760 | 2510 | 1500 | 1800 |

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилди.

| | | | | | |
|--------------------|---------------|--|---|--|--|
| жумладан: | | | | | |
| Раҳбарлар | киши | 560 | 130 | 100 | 140 |
| Мугахассислар | киши | 1400 | 830 | 540 | 450 |
| Ишчилар | киши | 2800 | 1550 | 860 | 1210 |
| Меҳнат унумдорлиги | долл/ киши | 65.3 минг/киши (1 йилда) 217 (1 кунда) | 11.5 минг/киши (1 йилда) 8.3 (1 кунда) | 13.8 минг/киши (1 йилда) 45.7 (1 кунда) | 5.3 минг/киши (1 йилда) 17.6 (1 кунда) |

Жадвал маълумотларига кўра, бир қанча кўрсаткичлар бўйича "Bukhara Cotton Textile Cluster" МЧЖ етакчилик қилмоқда. Масалан, ҳосилдорлик кўрсаткичи (31.8 %) бошқа кластерларга нисбатан юқори. Бунинг сабаби шундаки, айти пайтда кластерда тупроқ ҳолатини мелиоратив жиҳатдан яхшилаш, пухта ўйланган ва илмий асосланган алмашлаб экиш, самарали минерал ўғитлардан фойдаланиш, замонавий технологиядан фойдаланиш каби агротехник тадбирлар жадал олиб борилмоқда.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ўрганиш кўрсатдики, пахта етиштиришдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган бутун жараёни ягона бошқарув остига бирлаштириш пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бошқа шакллари билан таққослаганда, энг самарали шакл ҳисобланади. Айти пайтда, кластерни ташкил этишнинг бу каби шаклида баъзи муҳим афзалликларни кўриш мумкин.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган иккиламчи маҳсулотлар, масалан, илдизпоя, уруғ ва бошқалар кластернинг ўзида қайта ишланади, бу эса ўз навбатида, кўшимча даромад олиб келади.

Иккинчидан, бу шаклда қишлоқ хўжалиги ишчилари (фермерлари) ва тўқимачилик корхоналари ўртасида тушунмовчилик ва зиддиятлар вужудга келиш эҳтимоли паст. Сўнгги пайтларда республикамизнинг айрим ҳудудларида кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви кучайиб бормоқда. Бу шаклда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бундай муаммоларнинг юзага келишига тўсқинлик қилади ва пахта саноатининг янада ривожланишига олиб келади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигига таъсир этувчи ишлаб чиқариш омилларини ўрганишда SEM-Path (структуравий моделлаштириш) усули асосида эконометрик моделлаштириш қўлланилди. «BCT CLUSTER» МЧЖ мисолидан фойдаланиб, пахта етиштиришдан бошлаб то тайёр кийим-кечаклар (джинси маҳсулотлари) ишлаб чиқаришгача бўлган кластернинг ҳар бир босқичида ташкилий-иқтисодий омилларнинг таъсири ўрганилди (4-жадвал). Шунга асосланиб, муаллиф мустақил ва боғлиқ ўзгарувчилар ўртасидаги регрессия ва корреляция муносабатларини баҳолади. Ушбу моделдаги мустақил омиллар ҳар бир босқичда алоҳида бўлинади:

I. Биринчи босқич – пахта хомашёсини етиштириш:

1. Ташкилий омиллар – пахта хомашёси етиштиришда: *пахта майдонлари майдони, га; кластердаги қишлоқ хўжалик машиналари сони, дона; пахтакорлар, дала ишчилари сони.*

2. Иқтисодий омиллар – пахта хомашёси етиштиришда: *ўғит харажатлари, АҚШ доллари.*

II. Иккинчи босқич – пахта толасини бирламчи қайта ишлаш

1. Ташкилий омиллар: пахта тозалаш заводидаги ходимлар сони; хом пахта ҳажми, т;

2. Иқтисодий омиллар: *пахта тозалаш заводида иш ҳақи фонди; ПТЗ да электр энергияси харажатлари; ПТЗ да ускуналарни модернизация қилиш харажатлари.*

III. Учинчи босқич – ип-калава ишлаб чиқариш:

1. Ташкилий омиллар: *йигирув цехидаги ходимлар сони; йигирув цехидаги асосий воситалар сони; пахта толаси ҳажми.*

2. Иқтисодий омиллар: *йигириш цехида иш ҳақи фонди, минг сўм; энергия харажатлари минг сўм; йигирув цехидаги ускуналарни модернизация қилиш учун харажатлар, АҚШ долл.; йигирув цехидаги асосий воситалар қиймати, АҚШ доллари.*

IV. Тўртинчи босқич – мато ишлаб чиқариш:

1. Ташкилий омиллар: *тўқув фабрикасидаги ходимлар сони; ип-газлама ҳажми, т.*

2. Иқтисодий омиллар: *тўқимачилик цехида иш ҳақи фонди, минг сўм; энергия харажатлари минг сўм; тўқув фабрикасидаги ускуналарни модернизация қилиш харажатлари, АҚШ долл.*

V. Бешинчи босқич – тайёр кийим (Denim) ишлаб чиқариш

1. Ташкилий омиллар: *тикув фабрикасидаги ходимлар сони.*

2. Иқтисодий омиллар: *тикув фабрикасида иш ҳақи фонди, минг сўм электр энергияси минг сўм; тикув фабрикасида ускуналарни модернизация қилиш харажатлари, тайёр маҳсулотлар(Denim)ни реклама қилиш билан боғлиқ харажатлар.*

Аввало, асосий омилларнинг таъсирини баҳолаш талаб этилади:

▪ ЯТ (сотишдан тушган ялпи тушум) пахта хомашёси → ЯТ(пахта толаси) → ЯТ (ип-калава) → ЯТ (мато) → ЯТ (тайёр кийим).

Натижада қуйидаги қийматлар ҳосил бўлади:

4-жадвал

«Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ кластерида ишлаб чиқариш омиллари (асосий занжир) нинг SEM-Path таҳлили натижалари⁸


| | Coef. | Std. Err. | z | P> z | [95% Conf. Interval] | |
|-----------------------------|-----------|-----------|-------|-------|----------------------|----------|
| Structural | | | | | | |
| РеалХВ_тыс_долл | | | | | | |
| РеалХС_тысдолл | .6176683 | .0348012 | 17.75 | 0.000 | .5494593 | .6858774 |
| _cons | 203.8429 | 211.6173 | 0.96 | 0.335 | -210.9194 | 618.6053 |
| РеалПряжа_тысдолл | | | | | | |
| РеалХВ_тыс_долл | 1.050985 | .1420029 | 7.40 | 0.000 | .7726644 | 1.329306 |
| _cons | 1622.436 | 562.0727 | 2.89 | 0.004 | 520.7938 | 2724.078 |
| РеалПол_тыс_долл | | | | | | |
| РеалПряжа_тысдолл | 4.126869 | .7259503 | 5.68 | 0.000 | 2.704033 | 5.549706 |
| _cons | -3427.924 | 4189.191 | -0.82 | 0.413 | -11638.59 | 4782.739 |
| РеалГотпрод_тыс_долл | | | | | | |
| РеалПол_тыс_долл | 2.734748 | .3427861 | 7.98 | 0.000 | 2.062899 | 3.406596 |
| _cons | 8938.028 | 7046.848 | 1.27 | 0.205 | -4873.539 | 22749.6 |
| var(e.РеалХВ_тыс_долл) | 21532.35 | 9181.426 | | | 9335.507 | 49664.38 |
| var(e.РеалПряжа_тысдолл) | 141551.8 | 60357.91 | | | 61370.83 | 326489.4 |
| var(e.РеалПол_тыс_долл) | 4906860 | 2092292 | | | 2127405 | 1.13e+07 |
| var(e.РеалГотпрод_тыс_долл) | 2.50e+07 | 1.06e+07 | | | 1.08e+07 | 5.76e+07 |

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, пахта хомашёси, пахта толаси,

⁸ STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

ип ва матони сотишдан олинган даромад (ялпи тушум) каби моделдаги асосий омиллар, тайёр маҳсулотлар статистик жиҳатдан аҳамиятли, чунки муаллиф моделидаги барча ўзгарувчиларнинг p -қиймати $p=0,000$ ($p < 0.1$) га тенг.

Натижада, STATA 15 график ойнаси Sembulderда қуйидаги график ҳосил бўлади:



2-расм. «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ ишлаб чиқариш жараёнининг (асосий занжир) SEM-Path модели⁹

Шундан сўнг, қизиқли таҳлилда қуйидаги тенгламалар ҳосил бўлади:

$$Y_2 = 0,335 + 0,62Y_1 + e$$

$$Y_3 = 0,004 + 1,05Y_2 + e$$

$$Y_4 = 0,413 + 4,12Y_3 + e$$

$$Y_5 = 0,205 + 2,74Y_4 + e$$

Регрессия коэффиценти таъсир қилувчи омил 1 бирликка ўзгарганда натижавий омил неча бирликка ўзгаришини кўрсатади. Пахта толасини сотиш (сотиш ҳажми)ни бир минг АҚШ долларига оширсак, ип сотишдан ялпи тушум 1,05 минг АҚШ долларига кўпаяди. Ип сотишдан тушган тушумни 1 минг долларга оширсак, мато сотиш 4.12 минг долларга кўпаяди. Худди шундай, мато сотишдан тушган ялпи тушумни 1 минг долларга кўпайтирсак, тайёр маҳсулот сотиш 2,74 минг долларга ошади. Юқорида олинган натижалардан кластернинг 4 ва 5-босқичлар ўзаро кучли боғланган деган хулосага келинди. Яъни бунда омилнинг якуний натижавий омилга таъсири дастлабки босқичларга нисбатан эластик хусусиятга эга.

Олинган кўп омилли моделнинг статистик аҳамиятини текшириш мақсадида муаллиф томонидан детерминация коэффиценти (R^2) аниқланди (5-жадвал).

⁹ STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

**Асосий ишлаб чиқариш омилларининг SEM-Path таҳлилида детерминация
коэффициентларининг қийматлари¹⁰**

| depvars | Variance | | | R-squared | mc | mc2 |
|-----------------|----------|-----------|----------|-----------------|----------|----------|
| | fitted | predicted | residual | | | |
| observed | | | | | | |
| РеалХВ_тыс~л | 638158.4 | 616626.1 | 21532.35 | .9662586 | .9829845 | .9662586 |
| РеалПряжа_~л | 846442.1 | 704890.3 | 141551.8 | .8327684 | .9125615 | .8327684 |
| РеалПол_тыс~л | 1.93e+07 | 1.44e+07 | 4906860 | .7460567 | .8637457 | .7460567 |
| РеалГотпро~л | 1.69e+08 | 1.45e+08 | 2.50e+07 | .8526427 | .9233865 | .8526427 |
| overall | | | | .9662586 | | |

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, $R^2 = 0.9662$, яъни 96.62 % ҳолларда X нинг ўзгариши Y нинг ўзгаришига олиб келади, бу эса регрессия тенгламасининг аниқлиги юқори эканлигидан далolat беради. Агар у бошқача изоҳланса, натижалар моделда ўрганилган омилларга 96,62 % боғлиқ. Қолган 3.38 % ҳисобга олинмаган омиллар таъсири остида.

Структуравий моделлаштириш ёрдамида назарий сабаб-оқибат гипотезаларининг эмпирик маълумотларга мувофиқлиги даражасининг аҳамиятини баҳолаш мумкин. Биринчи навбатда, регрессия коэффициентлари, мустақил ўзгарувчиларнинг ўзгариши ва ковариантлари учун тахминлар ҳисоблаб чиқилади, сўнгра статистик процедуралар ёрдамида ҳисобланган параметрларнинг аҳамияти ва integral кўрсаткич моделнинг эмпирик маълумотларга қанчалик мос келишини аниқланади. Бунда моделнинг мувофиқлик даражасини аниқлаш мақсадида бир неча кўрсаткичлардан фойдаланилади:

* *Chi-square* – *Chi*-квадратнинг эркинлик даражалари сонига нисбати (бу кўрсаткич 2 дан ошмаслиги лозим);

* RMSEA (root mean-square error of approximation) — яқинлашишнинг ўртача квадратик хатоси (бу индекс ҳам 0 дан 1 гача бўлади, бироқ нулл гипотезани қабул қилиш учун унинг қиймати 0.05 дан ошмаслиги керак).

• CFI (Comparative Fit Index) - 0 дан 1 оралиғида ётади қиёсий мослик (CFI 0,9 дан катта бўлса модел ишончли ҳисобланади).

Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур моделнинг ишончилигини текшириш мақсадида ишончилилик тести ўтказилди ва қуйидаги натижалар олинди (6-жадвал):

¹⁰ STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

**Ишлаб чиқариш омилларини таҳлил қилишнинг ишончлилик тести
натижалари¹¹**

| Fit statistic | Value | Description |
|----------------------|----------|--|
| Likelihood ratio | | |
| chi2_ms(.) | - | model vs. saturated |
| p > chi2 | - | |
| chi2_bs(10) | 72.888 | baseline vs. saturated |
| p > chi2 | 0.000 | |
| Population error | | |
| RMSEA | - | Root mean squared error of approximation |
| 90% CI, lower bound | 0.000 | |
| upper bound | - | |
| pclose | - | Probability RMSEA <= 0.05 |
| Information criteria | | |
| AIC | 1023.128 | Akaike's information criterion |
| BIC | 1026.311 | Bayesian information criterion |
| Baseline comparison | | |
| CFI | 1.000 | Comparative fit index |
| TLI | - | Tucker-Lewis index |
| Size of residuals | | |
| SRMR | 0.077 | Standardized root mean squared residual |

Бу ерда: Chi2 – 0

RMSEA – 0.000

Information criteria:

Akaike information criteria – 1023,1

Baesian information criteria – 1024,3

CFI (Comparative fit index) – 1.000


Ишончлилик тести натижаларига кўра, олинган натижалар ушбу моделнинг ишончлилигини исботлади.

Шунингдек, STATA 15 статистик воситаси ёрдамида кластернинг ҳар бир босқичи SEM-Path усули асосида эконометрик моделлаштирилди. Ўтказилган таҳлиллар кўрсатдики, ишлаб чиқариш омиллари билан иқтисодий фаолият натижалари ўртасида муносабат мавжуд ва бу муносабатлар асосан ижобий қийматга эга. Шу билан бирга, айти пайтда пахта тозалаш заводидаги ишчилар сони, пахта майдони, иш ҳақи фонди, электр энергияси харажатлари ва бошқа омилларнинг салбий таъсири кузатилди.

SEM-Path моделлаштириш натижаларига кўра, ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий омиллар, хусусан, инвестиция, электр харажатлари, маркетинг харажатлари, иш ҳақи кабилар ташкилий омиллар (пахта далалари майдони, қишлоқ хўжалиги машиналари сони, ишчи ходимлар сони) га нисбатан сезиларли таъсирга эга.


Таҳлиллар кўрсатдики, кластернинг 4 ва 5-босқичида ишлаб чиқариш омиллари нисбатан самарали эканлиги ва уларнинг иқтисодий фаолият натижаси – яппи тушумга таъсири нисбатан сезиларли эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖнинг истикболдаги прогноз кўрсаткичлари эконометрик таҳлил ёрдамида аниқланди (3-расм).

¹¹ STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.



3-расм. «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ да калава ип ишлаб чиқариш қийматининг 2022-2024 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари, минг АҚШ доллариди¹²

Юқоридаги расмдан кузатиш мумкинки, 2021 йилнинг 4-чорагидан бошлаб, пахта-тўқимачилик кластерида калава ип ишлаб чиқариш қиймати кескин ошиб борди. Бундай ҳолат кластерда мавжуд қувватларнинг янгилалиши ва самарадорлиги ошиши, ишчи кучи малакасининг ошиши ҳамда жаҳон бозорида калава ип нархининг ошиши билан изоҳланади. Шунингдек, «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ да тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қийматининг прогноз кўрсаткичлари аниқланди (4-расм).



4-расм. «Bukhara Cotton Textile Cluster» МЧЖ да тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қийматининг 2022-2024 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари, минг АҚШ доллариди¹³


4-расмдан кузатиш мумкинки, 2021 йилнинг 4-чорагидан бошлаб, пахта-тўқимачилик кластерида тайёр кийим (деним джинс) ишлаб чиқариш қиймати ошишини кузатиш мумкин. 2024 йилнинг 3 чорагида кластернинг тикув фабрикасида умумий қиймати 140 минг АҚШ долл. қийматига эга тайёр кийим ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

¹² STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

¹³ STATA 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «Пахта-тўқимачилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида пахта-тўқимачилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий механизмлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантириш молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари баён этилган. Пахта-тўқимачилик кластерларини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

